


ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ X СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

МУСТАҚИЛЛИК КОШОНАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис биноси Алишер Навоий номидаги Миллий бог ҳудудида қад қотарди. У Халқлар дўстлиги саройи, Абдуқосим мадрасаси, Навоий ёлгорлиги билан уйғун ҳолда бетакрор меъморий маъму ҳосил қилди. Зилот фавворалар, шаффоф ҳовузалар, кенг хиёбонлар, айниқса, оппоқ, сарбаланд устунлар, ойнаванд девор, мовий гўмбаз, мағмур ҳилпираб турган байроқ бағрикенг, нияти пок халқимиз, бўй олакмиз, ёруғ келажикимизни акс эттиради. Дилга гурур бахш этади.

Лойиҳа ишларига қирғишдан аввал бу борадаги жаҳон тажрибасига мурожаат этдик, — дейди Тошкент лойиҳалаш илмий-текшириш институти муаллифлар гуруҳи раҳбари, бино бош меъмони Валерий Аюпович. — Бу ҳақдаги кўпбад жўрнал ва нашрларни ўрганишга тўғри келди. АКШ, Финляндия ва Германиядаги парламент бинолари лойиҳасини ўргандик. Натижда Олий Мажлис биносининг ижтимоий аҳамиятини, миллий меъморчилик анъаналаримизни инобатга олиб, у айлана-сўйлаб кўп устулни, тепаси эса гўмбази бўлиши керак, деган тўхтама қелдик. Президентимиз лойиҳани бир неча марта кўриб, қимматли маслаҳатлар берди, жиддий ўзгаришлар киритилди. Шу маънода, у кишини лойиҳанинг бош муаллифи десак, муболаға бўлмайди.

Бино марказини айлана шаклидаги улкан мажлис зал ишлатилди. Дипломатик корпус вакиллари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари муҳбирлари учун махсус жойлар ажратилган. Бино энг замонавий алоқа воситалари, компьютер тармоғи, «Рада-мажлис» овоз бериш электрон тизими билан жиҳозланган.

Гўмбаз ичи — бепоён фалакни эслатади. Ранго-ранг нақшлар унга бетакрор жилва, мовий ранг эса кенглик бахш этган. «Оникс» ҳиссадорлик жамиятида («Миконд» заводи) тайёрланган улкан қандил эса чор атрофни нурафшон этади. Бино фойеси, зал айланаси бўйлаб ўрнатилган қандилларда ҳам халқимизнинг чекиз хаёли, мўъжизавий санъати мўъжасам.

Бинода Олий Мажлис кўмиталари, депутатлар фракциялари ва блоклари, ишчи гуруҳлари учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, бу уларнинг фаолияти учун қўлай шароит яратди. «Узбекмебель» уюшмасида тайёрланган, хорижиникидан асло қолишмайдиган эшиклар, турли мебеллар кўзни қувонтиради.

Шу ўринда Абдураҳим Умаров раҳбарлик қилаётган «Усто» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг соҳир ҳунар соҳиблари хизматини алоҳида қайд этмоқ даркор. Диаметри қариб 35 метр, баландлиги 11,5 метри гўмбаз ичи нақшларини, бино колонналари безакларини, кера-

мика деворларни, эшиклардаги уймакорлик ишларини кўриб, қўли ҳал усталар санъатидан ҳайратга тушасиз.

Бино қурилишида 3,5 минг тонна металл конструкциялари ишлатилди. Улар Тошкентдаги 2-тажриба-экспериментал механика заводи цехларида тайёрланди. Марказий Осиёда тенги йўқ гўмбаз, ойнаванд деворлар ҳам ана шу завод муҳандис ва ишчилари ақл-заковати, меҳнати маҳсулидир. Улкан устунлар - колонналар асослари, гўмбаз истрти «қовурға»ларини эса Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати мутахассислари ҳамкорликда тайёрлаб берди.

Бош пудратчи — «Тошкентўйжойинвест-қурилиш» корпорацияси, унга қарашли 75-«Сифат» қурилиш бошқармаси барча ишларга бош-қош бўлди. «Узбекқурилишматериаллари» концерни барча қурилиш ашёларини вақтида етказиб берди. «Узавтўй» концерни эса мрамар билан боғлиқ ишларга катта ҳисса қўшди. Шуниси қувончлики, бино қурилишида юз фоиз ўзбек мрамари ишлатилди.

Олий Мажлис биноси кўп қурилиш ташкилотларининг том маънода ҳамкорликлари меҳнати самараси бўлди. Ҳар ким ўзига юклатилган вазифани сидқидилан бажарди. Хусусан, «Узжамоахўжалиққурилиш», «Уздекҳончиликқурилиш», «Узсановатхўжалиққурилиш» ва бошқа корпорация, концерн ва уюшмалар сувоқ, пардозлаш ишларига ҳисса қўшган бўлса, «Узмонтажмауусқурилиш» уюшмаси алоҳида пайвандалаш ишларини юксак сифат билан адо этди. «Узсувқурилиш», «Тошметроқурилиш», «Гидроэнергоқурилиш» ташкилотлари хиёбонлар, бассейн ва фаввораларнинг кўркამ бўлишида бор куч ва имкониятларини ишта солиди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис биносини кўздан кечирар экан, бундай иншоотлар халқимизга асрлар давомида хизмат қилаётганини таъкидлаб, уни барпо этишда қатнашган барча меъмор, муҳандис, мутахассис ва курувчилар меҳнатини юқори баҳолаб, уларга миннатдорлик билдирди.

Бу иншоот бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда кимларгадир қиммат туолиши мумкин, деди Президент. Лекин биз доимо эртанги кунни уйлаб ўш тутишимиз лозим. Қолаверса, мустақил Ўзбекистонимиз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётган, юксак тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашаётган экан, қураётган заводаларимиз ҳам, мана шундай мухташам биноларимиз ҳам Ватанимиз салтоҳини, очикроқ айтсак, халқимиз ва миллатимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини дунё аҳлига яна бир қарра наомийиш этади. Энг муҳими, одамларда ўз юрти билан фахрланиш туйғуларини уйғотади.

Дарҳақиқат, улуг боболаримиз бунёд этган Гурн Амир, Тиллақори, Шердор, Шохизинда, Оқсарой, Масжиди Шалон каби унлаб обидаларни кўриб, аждодларимиз ақлу заковатидан лол қоламиз, буюк ўтмишимиз билан ҳаққи равишда гурурланамиз. Ота-боболаримиз улкан қурилишларни кўплашиб амалга оширганлар.

Табир жоиз бўлса, кейинги йилларда бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, Миллий банк, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий Мажлис биноси каби бир-биридан гўзал, улугвор мустақиллик кошоналари эса, ана шу буюк аждодларнинг муносиб ворислари эканимизни яна бир қарра тасдиқлайди. Улар ўтмиши буюк халқнинг келажиги ҳам нурафшон бўлишидан илк нишонлар бўлса, ажаб эмас.

Аҳмад ХўЖА, (УзА)

(Давоми. Боши 1-бетда) лик вакиллари ҳамда мутахассислар иштирокидати муҳокамалар сўнг ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ингилишда, шунингдек, кўмитанинг 1997 йилги фаолияти маъқулланиб, янги йилдаги иш режаси тасдиқланди.

Жорий йилда Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мамлакатнинг тез сурутлар билан ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор ҳужжатларнинг юзга келишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Кўмитада, айниқса, энг кўп куч, меҳнат ва масъулият талаб қилган иш — «Талим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» бўлди. Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида тайёрланган бу мажмуаларнинг лойиҳалари Олий Мажлис депутатлари, вилоят ва туман фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокда муҳокамалар ўтказилди, билдирилган фикрлар асосида пишиқтирилди.

Кўмита мажлисида кўмита раисининг ўринбосари П. Қодиров 1997 йилги фаолият якулини ҳақида сўзлар экан, мана шулар тўғрисида гапирди.

Мажлисида янги йил иш режаси маъқулланди, Олий Мажлиснинг X сессиясида қуриладиган масалалар тўғрисида фикрлашилди.

Олий Мажлис Сановат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш кўмитасининг йилги фаолияти дастрлаб сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш хусусида ҳам депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, «Кооперация тўғрисида»ги, Ҳаво кодекси, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Умумий фойдаланишдаги ҳаво,

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорт йўл-чиқарилнинг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида»ги, «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексларнинг айрим моддаларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида кўмита аъзоларининг ахбороти тингланди.

Шунингдек, Ингилишда «Халқаро йўловчилар ва юкларни автомобилларда ташиниш бўйича конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги масала ҳам муҳокама қилинди.

Ингилишнинг кўмита раиси И. Кочмарик олиб борди.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг йилги фаолияти Андижон вилоятида «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинган бўлиши билан бошланди. Ингилишнинг кўмита раисининг ўринбосари М. Икромов олиб борди.

Дастлаб кўмита котиби П. Шаропов биринчи масала юзасидан ахборот берди. Сўнгра республика ва вилоят шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалиқлари уюшмалари раҳбарларининг ушбу масала юзасидан чиқишлари тингланди.

Шундан сўнг кўмита аъзолари сессия кун тартибига қўйилган «Ер кодекси» (биринчи ўқишда), «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон-фермер хўжалиқлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Ингилиш сўнггида Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг 1997 йилги ҳисоботи тингланди ва маъқулланди. Уни

ОЛИЙ МАЖЛИС КЎМИТАЛАРИДА

Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўмитасининг йилги фаолияти Ингилишда кўмита раиси Г. Йўлдошева бошқарди.

Ингилишда сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди, қабул қилинажак қонунлар мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

Шунингдек, кўмитанинг 1997 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди ва унинг жорий йилдаги ишга ижобий баҳо берилди.

Ингилишда кўмитанинг 1998 йилги иш режаси ҳам тасдиқланди.

Олий Мажлиснинг Агропромух ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг йилги фаолияти Андижон вилоятида «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинган бўлиши билан бошланди.

Мажлисида кўмитанинг жорий йилдаги фаолияти якулини ҳақида 1998 йилги муҳокамалар иш режаси ҳам кўриб чиқилди. Бу масалалар бўйича кўмита аъзоси Ш. Жўраевнинг маърузаси тингланди, ҳисобот ва янги йил иш режаси маъқулланди.

Олий Мажлис Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик кўмитасининг йилги фаолияти Ингилишда дастлаб сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди. Уни

кўмита раиси Х. Тошев олиб борди. Шунингдек, Ингилишда Ўзбекистон Республикаси «Давлат уй-жой сис-темининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилояти ва Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан республика коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари В. Дорохов ахборот берди.

Шундан сўнг кўмитанинг 1997 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди ва унинг жорий йилдаги ишга ижобий баҳо берилди.

Ингилишда кўмитанинг 1998 йилги иш режаси ҳам тасдиқланди.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот кўмитасининг йилги фаолияти Ингилишда сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди, иккинчи ўқишда тақдим этилаётган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси сессиядан сессияга бўлган вақт мобайнида қайта ишланганлиги, деярли барча оммавий ахборот воситаларида фуқаролар, мутахассислар ҳамда депутатларнинг тақлиф ва мулоҳазалари эълон қилинганлиги таъкидланди.

Қабул қилинажак ушбу қонун оммавий ахборот воситалари ходимларига катта ҳуқуқ ва имконият бериш билан биргаликда улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклатиш ҳақида сўз борди.

Ингилишнинг кўмита раиси Уткир Ҳошимов бошқарди.

Шу кун Олий Мажлиснинг Мулоффа ва хавфсизлик масалалари кўмитасида ҳам мажлис бўлиб ўтди. Унда кўмитанинг жорий йилда қилинган ишларининг якуни кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлисида сессия муҳокама қилинажак қиритилган масалалар муҳокама қилинди. Уни

«Одамларни гаровга олишга қарши кураш», «Ёллан-ма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш», «Ядровий материалларни жисмли ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор халқаро конвенциялар юзасидан фикр алмашилди.

Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича кўмита раиси Б. Наймов маъруза қилди. Муҳокамада кўмита аъзолари фаол қатнашдилар.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова бошқарди.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қиритилган масалалар, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонунга шарҳлар тақдимини ўтказиш ҳамда меъриий (норматив) ҳужжат тўғрисида тўхталинди. Конвенция ва қонунчиликнинг бажарилишини ўрганиш бўйича иш олиб бораётган ишчи гуруҳнинг фаолияти ҳақидаги маълумот ҳам тингланди.

Шунингдек, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти прокуратура ва ички ишлар тизимларида қандай таъминлаш-танглиги масаласи атрофида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, мажлисида сессия муҳокама қилинажак қиритилган масалалар муҳокама қилинди. Уни

Шоп туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги экан майдонлари шўр ва хўжалиқлардан иборатдир. Шунга қарамай, хўжалик деҳқонлари мўла-кўла ҳосил етиштириб келишмоқда. Жумладан, жорий йилда 970 гектар майдонга баракка уруғи қадаган пахтакорлар 16 ўрнига 20 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Айни кунда хўжаликда кузги-қишқи тадбирлар сифатли амалга оширилмоқда. Деҳқонлар 130 гектар майдонга экин-қилишмоқда.

СУРАТДА: 13-бригада механизатори Мухаммаджон Тўйчиев ва бригада бошлиғи Маъруфжон Шарипов.



Хўш, зарарга ишлаётган хўжалиқлар тақдирини қандай ҳал қилиш мумкин? Мамлакатимизда мазкур масалага тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда. Биринчидан, ер ресурсларини олайлик. У қишлоқ хўжалигида асосий во-сита, шу билан бирга, у чеклан-ган. Иккинчидан, ҳосил миқдорини кўп жиҳатдан табиий биоло-гик омиллар ва сув ресурсларига боғлиқ. Қолаверса, аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган

ларда қишлоқ хўжалик корхона-лининг молиявий аҳолини яхши-лаш масалалари етарли даража-да акс этмагани сезилиб қолмоқ-да. Лойиҳа масаланинг ана шу жиҳатларига катта эътибор қар-тилгани билан диққатга сазовор-дир. Энг муҳими, қонун лойиҳа-сида зарар кўриб ишлаётган кор-хоналар, уларнинг тўловга қо-би-лиятсизлиги, иқтисодий ноқор-лиги, шунингдек, молиявий бар-қарорлик, мораторий тушунча-ларининг мазмуни қонуний асо-да ёритиб берилган. Санация-

хоналарини молиявий соғ-ломлаштириш учун қўлланла-диган чора-тадбирлар мажму-дир. Санациялашдан мақсад қишлоқ хўжалик корхоналари-нинг келгуси фаолиятини са-марали амалга ошириш, креди-торларнинг талабини қонди-ришда тўловчанлиги ва икти-содий барқарорлигини тикла-ди. Қишлоқ хўжалик корхона-ларининг фаолиятини ташкил-етиш ва бошқаришни тақомил-лаштириш орқали иқтисодий самарадорлиқни таъминлашга йўналтирилган зарур ўзгариш-ларни қўллаб-қувватлаш, рақо-батбарлош маҳсулотлар ишлаб-чиқариш ва сотиш учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг хара-жатларини камайтириш ва мо-лиявий барқарорлигини таъ-минлаш, шунингдек, ишлаб чи-қариш ва бошқарув тизимини иктисослаштириш қишлоқ хўжалик корхоналарининг сана-циялашнинг асосий вазифа-лари ҳисобланади. Қонун лойи-ҳасига қўра, санациялашни тан-лов асосида икки йил муддат-гача амалга ошириш кўзда ту-тилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалик корхоналари-ни санациялаш тармоқни юк-салтириш, деҳқончилик маҳсу-лотлари етиштиришни янада-кўпайтириш, энг муҳими, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқимиз фаровонлигини таъ-минлаш йўлидаги ҳукуматимиз-нинг яна бир муҳим тадбири-дир.

1997 йилда инсон манфаат-ларини таъминлаш чора-тадбир-лари дастурининг аниқ курсатмаларини амалга ошириш тўғрисидаги маса-ла ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, бу йил маданий-маърифий ишлар-да, айниқса, олис туманларда та-ниқли артистларнинг хайрия кон-цертларини, маданият арбоблари, ёзувчилар билан урчушларни ташкил этишда республика хотин-қизлар кўмиталари қандай ишти-роқ этгани тўғрисида гап борди.

Мажлис иштирокчилари респу-блика Хотин-қизлар кўмитасининг 1998 йилнинг биринчи ярми учун иш режасини тасдиқлашлар, бу ре-жага оилани мустаҳкамлаш, жами-ят ҳаётида унинг оубрасини ва ма-вқенини оширишга қаратилган тад-бирлар асос қилиб олинган. Онда йилда деб ўтган қилинган келгу-си йилда бошқа жамоат ташкилот-лари билан биргаликда «Йилнинг энг яхши оиласи» ва «Энг ибратли ке-лишма» республика ташкилотларини ўтказиш тўғрисидаги Низом тас-диқланди.

Муҳокама қилинган бошқа ма-салалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

П. НИШОНОВ, Н. ДУШАЕВ.

ЁШ АВЛОД ТЎҒРИСИДА ГАМХЎРЛИК

Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Фуломов бошқарди.

Мажлис иштирокчилари Андижон ва Самарқанд вилоятлари хотин-қизлар кўмиталари республика ва вилоят конференцияларида қабул қилинган «Давлат, оила ва жамият — ёшларни тарбиялаш муаммолари» қарорларини қандай ба-жараётганини муҳокама қилдилар. Хотин-қизлар ташкилотлари маҳал-лий ҳокимият органлари, маҳалла кўмиталари, турли жамоат тўзла-малари билан биргаликда янги, де-мократик жамият қуриш шароити-да ёш авлодини тарбиялаш юза-сидан муайян ишларни амалга оширганлиги айтилди. Ёшларнинг олимлар, маданият арбоблари, ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимла-ри, иқтисодчилар билан учрашув-лари ўтказилмоқда. Ингилтар ва қизларни оила қуришга тайёрлаш, уларга халқ анъаналари ва урф-одатларини ўратиб ҳам хотин-қизлар кўмиталарининг диққат мар-казида турибди.

Бироқ, мажлисида айтилганидек, бу иш ҳамма жойда ҳам тегишли даражада ташкил этилмаган. Ми-носол учун олганда, Самарқанд ви-лоятининг баъзи туманларида ёшларга ҳуқуқий, экологик таъ-лим беришга, уларни аждодлари-мизнинг маънавий меросига, умум-башарий қадриятларга ҳурмат ру-ҳида тарбиялашга кам эътибор бе-рилмоқда.

1997 йилда инсон манфаат-ларини таъминлаш чора-тадбир-лари дастурининг аниқ курсатмаларини амалга ошириш тўғрисидаги маса-ла ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, бу йил маданий-маърифий ишлар-да, айниқса, олис туманларда та-ниқли артистларнинг хайрия кон-цертларини, маданият арбоблари, ёзувчилар билан учрашувларни ташкил этишда республика хотин-қизлар кўмиталари қандай ишти-роқ этгани тўғрисида гап борди.

Мажлис иштирокчилари респу-блика Хотин-қизлар кўмитасининг 1998 йилнинг биринчи ярми учун иш режасини тасдиқлашлар, бу ре-жага оилани мустаҳкамлаш, жами-ят ҳаётида унинг оубрасини ва ма-вқенини оширишга қаратилган тад-бирлар асос қилиб олинган. Онда йилда деб ўтган қилинган келгу-си йилда бошқа жамоат ташкилот-лари билан биргаликда «Йилнинг энг яхши оиласи» ва «Энг ибратли ке-лишма» республика ташкилотларини ўтказиш тўғрисидаги Низом тас-диқланди.

Муҳокама қилинган бошқа ма-салалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА, УзА муҳбири.

Олий Мажлиснинг навбатдаги X сессияси кун тартибига киритилган масалалардан бири «Қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир. Мазкур қонун қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш деганда нима тушунилади? Бу масалаларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирлари Ўзбекистон Республикаси Давлат Мажлисини бошқариш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси хузуридаги Иқтисодий ноқор корхоналар ишлари кўмитаси раисининг ўринбосари Анвар СУЛТОНОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.


— Анвар Жумабоевич, ушбу қонун лойиҳасида асосий эъти-бор хўжалиқларнинг иқтисодий барқарорлигини тиклашга ҳамда келгусида уларнинг фаолиятини самарали амалга оширишга қар-тилгани шубҳасиз. Сўхбатимиз аввалида мазкур қонун лойиҳа-сини ишлаб чиқишга сабаб бўлган омиллар хусусида тўхталинган?

— Қишлоқ хўжалиги мамла-катимиз иқтисодиётининг етак-чи тармоғи эканлиги ҳаммамиз яхши биламиз. Шу боисдан ҳам тармоқни бозор муносабатларига мос равишда ислоҳ қилиш рес-публика Президентини ва ҳукума-тининг доимо диққат маркази-да турибди. Мустақиллигимиз-нинг ўтган қисқа даври мобай-нида қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарига ташкилий, иқтисодий ва тижора-рат эркинликларининг берили-ши маъсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, сифатининг яхшиланишига хизмат қилмоқ-да. Энг асосийси, тармоқни мо-лиялаштириш, сугурталаш, шартномавий муносабатларни шакллантиришда туб бурилиш-ясадди. Пахта ва дон маҳсулот-лари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш яхшиланди. Жумладан, хўжалиқларга давлат буюртмаси бўйича етказиб бе-рилган дон ҳақи юз фоиз тўла-нди. Пахта хомашёси учун ҳам

туловлар ўз вақтида бўлиши ку-тилмоқда.

Бундай ижобий ишлар билан бир қаторда тармоқни ривожлан-тиришда тўсиқ бўлаётган айрим камчилик ва муаммолар ҳам юза-

билан якунлаётган 89 хўжалик талай техника, ишчи кучи, ўнг ва бошқа ресурсларни сарфлаган бўлса-да, бу кўрсаткич ўн цен-терга ҳам етмади. Жиззах вилоя-ти. Зарбдор туманидаги «Зараф-



ЯНГИ - 1998 ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎДСИН, ҚАДРЛИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

Мана 1997 йил ҳам ниҳоялаб бормоқда. Ҳадемай у тарих саҳифаларидан жой олади. Лекин ушбу сана мустақил Ўзбекистон ҳаётида унутилмас воқеаларга жуда бой бўлди. Мамлакатимиз ана шу қисқа муддат мобайнида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганлиги, айниқса, қувонарлидир. Натижада бугун бутун дунёда ЎЗБЕКИСТОН номи мағрур жаранглапти!

Дунё халқлари Ўзбекистонни истиқлол йўлида дадил тараққий этиб, бу борада мислсиз ютуқларга эришадиган, она сайёрамизнинг мустақил тараққиёти йўлида оламшумул ғояларни илгари сураётган тинчликпарвар давлат сифатида билишади ва уни ҳурмат қиладилар. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, 1997 йил Ўзбекистон Республикасининг истиқлол солномасига олтин ҳарфлар ила битилажак. Ўз навбатида Ўзбекистон-Туркия қўшма банки жамоаси ҳам мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий гуллаб-яшнашини ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда ва бундан кейин бу борада бор кучини аямайди.

Биз бугун ёруғ юз, улкан орзу-умидлар билан келажакка юзланиб турибмиз. Кўнгилдаги ниятларимиз ҳам беғубор. Ўзбек халқида "Ниятинг йўлдошинг бўлсин" деган эзгу тилак бор. Илоҳим, 1998 йилда ҳам ана шундай ниятлар барчангизга ҳамроҳ бўлиб, орзуларингиз рўёбга чиқсин.

Юрт истиқболи йўлидаги яратувчанлик меҳнатингизда омад Сизларга ёр бўлсин.

Янги йилда Сизларга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз!

«ЎТ - Банк» - Ўзбекистон-Туркия қўшма банки жамоаси.

Банк манзили: Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.
Телефонлар: 77-59-67, 77-45-19.
Факс: (3712) 77-34-08, 40-63-62.
Телекс: 11-66-23 UTB RU.



ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ СОРОС ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон халқини кириб келаётган
ЯНГИ ЙИЛ билан самимий муборакбод этади!
Тинчлик, хотиржамлик, бахт ва гуллаб-яшнамоқликни тилаймиз.

Ўзбекистон очик жамият институти билан ҳамкорлик қилаётган
ташкilotларга улкан ижодий муваффақият ёр бўлсин.

«Умумий грантлар» танлови ғолиблари:

Адвокатлар коллегиясига
Савицкий номидаги музейга (Нукус)
Ҳуқуқий ахборот очик кутубхонасига
Республика билим марказига
Рус маданияти марказига (Чирчик)
Самарқанд ахборот-маслаҳат марказига

Тошкент ижтимоий маориф марказига
«Илҳом» театрига
«Прогресс» марказига (Нукус)
Фермер марказига (Нукус)

стипендиатлар:

Азизов Шароф,
Володина Елена,

Гуммадова Жаннат,
Кўчқоров Равшан,

Лустов Александр,
Луқмонов Фикрат,

Мингалиев Шавкат,
Ҳақназарова Умида,

Юлдашев Рустам,

Малака ошириш дастурини ўтган ўқитувчи ва мутахассислар:

Абдуллаева Наталья,
Абдуллаева Евгения,
Абдусаматов Файзулла,
Абдухамидов Абулқосим,
Авганова Эльмира,
Акрамова Гулнора,
Акрамова Гулчехра,
Акрамова Робия Бону,
Аллахвердиева Лейло,
Аюпова Феруза,

Багдасарова Наталья,
Инокова Малика,
Исроилов Султонкул,
Эшонкулова Лола,
Каримов Бахтиёр,
Кулакова Наталья,
Курбонов Раҳмонкул,
Мамадалиев Улғубек,
Маманазаров Насриддин,
Маткаримова Гулчехра,

Назаров Равшан,
Насирова Лола,
Никифорова Елена,
Нийёзов Фарход,
Парпиева Эльвира,
Ражапова Муҳаббат,
Решетникова Ирина,
Раҳимова Гулнора,
Самархўжаев Ботир,
Сафарова Карина,

Татибоев Азиз,
Турсунов Баҳром,
Убайдуллаев Зиедулло,
Умидуллаев Шухрат,
Файзиёв Шухрат,
Ҳайдаров Жаҳонгир,
Ҳалимбетова Айзада,
Ҳамдамов Салоҳиддин,
Ҳаметов Исо,
Хўжабеков Палмурза,

Чембарисов Эльмир,
Шатунова Галина,
Шодиев Сайёр,
Эргашев Баҳодир,
Йулдошев Хўсанбек,
Юсупова Гулмира,

Енгаличева Светлана,
Зельцер Любовь,
Камолов Юсуп,
Капустина Любовь,

Каримов Анвар,
Каримов Бахтиёр,
Кислицина Ирина,
Коновалов Владимир,

«Сафар гранти» танлови ғолиблари:

Қудратова Дилором,
Мақсумова Мунира,
Муҳаммадиева Дина,
Мельникова Елена,

Мираҳмедов Дилшод,
Назаров Равшан,
Пугач Ирина,
Раҳматуллаев Марат,

Саидикромов Тожижон,
Сатторхонова Матлуба,
Умаров Абсалом,
Флитциян Елена,

«Шарқ-Шарқ» ва «Зальцбург семинарлари» дастурлари қатнашчилари:

Бобожонов Бахтиёр,
Бегматов Абдуллажон,
Бектимиров Куатбой,
Виноградов Галин,

Елибаева Назира,
Иргашев Севар,
Калегина Александра,
Қосимов Нодир,

Мўминов Аширбек,
Раҳимов Абдумалик,
Собиров Алишер,

Тоҳсабинов Пулатбек,
Ҳакимов Адҳамжон,
Хўжабеков Палмурза,

Шаропов Умид,
Эркаев Бахтиёр,
Юсупов Гульмир.

Ўзбекистон очик жамият институти халқаро гуманитар ташкilot сифатида аккредитацияланган ва Сорос жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили ҳисобланади. УОЖИ Сорос жамғармасининг олий ва ўрта таълим, ўқув стипендиатлари, иқтисодиёт, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохот, кутубхона фаолияти, санъат ва маданият, ҳуқуқий инглиз тили ва интернет бўйича дастурлар мажмуасида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлайди.


МАТБААЧИЛИГИМИЗ

Халқимизда «Ўзингда йўқ — оламда йўқ» деган нақл бор. Биз бу ҳақиқатнинг аччиқ мевасини татиганимиз. Биргина рангли китоб ёхуд ёрликлар чикараман деб, йиллаб навбатда турганлар ҳақида кўп эшитганимиз. Сабоби, ушунда бизда замонавий босмахоналар йўқ эди, бирининг кўлига қараган эдик. Энди бу мақолни «Ўзиндан чиққанига не өтсин» деган нақлга алмаштирадиган пайт келди. Нега дейсизми? Чунки пойтахтимизда Буюк Британиянинг «Алармс» фирмаси билан ҳамкорликда рангли ноширлик — «Растр» қўшма корхонаси ташкил этилди. Кўйилган капитал маблағлар ҳам тенг: 50-50. Бу билан ўзбек полиграфияси жаҳон микёсига чиқиши учун имконият эшиклари очилди.



Тўғри, корхонанинг фаолият бошлаганига эндигина бир йилдан ошди. Аммо бу ерда ишлаб чиқарилаётган босма маҳсулотлар умумжаҳон стандартлари талабига жавоб бера олиши корхонанинг қай йўсинда ишлаётганини изоҳлаб турибди. Балки буни бироз мақтанга йўяётгандирсиз, майли-ку, лекин ҳозирча мижозлардан эътироз эшитилгани йўқ. Қўшма корхонада чиқарилаётган саккиз юз турдаги рангли босма маҳсулот ҳатто АҚШ, Германия, Голландия, Греция, Туркия, Исроил каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари бозоридан мустаҳкам жой олди. Дарвоқе, корхона директори

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...



Рўздат Сафоевнинг айтишича, бир йил ичида 110 миллион сўмлик маҳсулот сотилибди. Биз навбатдаги иш кунни бошланган бир пайтда «Растр» қўшма корхонасига кириб келдик. Бу ерга ташриф буюрганлар, шак-шубҳасиз, корхона биносининг ўтмиш аънавалари ва бутунгун кун ютуқларини уйғунлаштириш асосида қурилганлигига гувоҳ бўлади. Кираве-ришдаги йўлакда ўрнатилган юмшоқ ўриндиқлар ва турли рангдаги гуллар ҳушёрлигини оширади. Ҳар бир хонада компьютер ўрнатилган. Улар автоматик тарзда хонадаги намлик ва ҳаво

ютишдан, кун бўйи тик оёқда туриб ишлашдан қутулишган. — Босмахонада ишлаётганларнинг кўпчилиги Германияда бўлиб Дюсселдорф шаҳридаги корхонада иш ўрганишди, — дейди қўшма корхона директори Рўздат Сафоев. — Улар у ёқдан малакали мутахассис бўлиб қайтишди. Биласизми, ҳозир ҳар бир киши, айниқса, мутахассислар ўз тафаккури чигиринидан барча жараёнларни ўтказа олмасалар, билин-ки, у жойда ислоҳотлар равнақи бўлмайди. Тараққиёт, аввало, ҳар қайси соҳанинг вақили ўша тармоқнинг яхши-ёмон томонларини англай олишига боғлиқ,

раётганимиздан фахрланаман, — дейди Аббор Мирзаев. — Бу нафақат мамлакатимиз учун, балки қўшниларимиз учун ҳам катта воқеадир. Негаки, эндиликда Марказий Осиё ва ҳатто хорижий давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу, албатта, зиммамизга катта масъулият юклайди. — Бу ерда кўп нарса ўргандим. Компьютер ва ранг ажратувчи полиграфия дастгоҳларини бемалол бошқара олам, — сўхбатта қўшилди Равил Абдуллаев. — Аммо қурум босган цехни унутганим йўқ. Бу ерда эса Европанинг энг аломат роботлари ва ускуналари бор,

уларни бошқариш шу қадар қизиқарлики, ҳатто иш кунингиз тугаганини сезмай қоласиз. Буни ҳар бир ишчи фақат орау қилиши мумкин! Биз қўшма корхонада иш бир маромада кетаётгани, мижозларга кўрсатилаётган хизмат турлари ошиб бораётганига гувоҳ бўлгач, хаёлимиздан шундай фикр кечди: баъзи корхоналарнинг раҳбарлари иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, жамоани қулогига қарзга ботириб қўйишмоқда. Аммо бозор шароитида мавжуд муаммоларни биров четдан келиб ҳал қилиб бермайди-ку, ахир! Демак, фақат ишлаш ва изланиш керак.

Ҳа, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг босма маҳсулотлар жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Шу боис ушбу ноширлик корхонасининг истиқболига ҳозирдан оқ ишонч билдириш мумкин. Бу даражага фақат битта асосий шарт билан, яъни ҳар бир ишчи юқори касб малакасига эга бўлганлигига эришиш мумкин. Бу ерда қайси бир ишчи билан сўхбатлашманг, юқорида айтилганидек, уларнинг ўзимиздаги бошқа корхоналарнинг ишчиларидан анчагина бошқача эканларини ҳис этасиз. Бу фикрларга яна шунини қўшимча қилиш мумкинки, янги босмахонанинг имкониятлари кенг, истиқболли порлоқ. Буни оддий бир унсурдан ҳам билиб олса бўлади. Ушбу корхона иншооти қурилишига 68 миллион сўм ишлатилган эди. Орадан кўп ўтмай сарфланган харажат икки баробар бўлиб қайтиб келди.

Халқимизда «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган мақол бор. Ушбу қўшма корхонадан қайтар эканмиз, бу мақол ноширлар амалга ошираётган ишларга ҳаммаундай туюлди, бизга.

Фуркат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар. Т. КАРИМОВ олган суратлар.

МИЛЛИЙ БАЙРАМ НИШОНЛАДИ Кеча Японияда миллий байрам — Император туғилган кун зўр шодиёналар билан нишонланди. Япониянинг ҳозирги императори Акихито 1989 йилда тахтга кўтарилган. У мамлакатнинг 125-императори бўлиб, 64 ёшга қадам кўйдди. Япония конституциясида кўра, император давлат раиси ва японлар бирлигидир. Байрам тапталналарига киши олимпиада машъаласини ёқши маросими улашиб кетди. Маълумки, келгуси йил февраль ойида Назаро шаҳрида навбатдаги киши олимпиада уйилари бўлиб ўтади.

ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРНИНГ САФАРИ Германия федерал канцлери Гельмут Коль кеча бир кунлик визит билан Боснияда бўлди. У бу ерда тинчликни сақлаш кучлари таркибига ўз миссиясини бажараётган немис ҳарбийлари билан учрашиб, аскарлар ҳаёти билан танишди.

ЖИНОЯТЧИЛАР ТЎДАСИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ Чехия, Европанинг бир қатор мамлакатлари ва АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг савий-харақатлари туфайли Чехияда уя қурган «Низерия наркомафияси» деб аталувчи жиноятчи унсурлар тўдаси фош этилиб, қўлга олинди. Тезкорлик билан ўтказилган операциялар натижасида 100 килограммга яқин наркотик моддалар мусодара қилинди. Гуруҳнинг 20 нафар аъзоси эса ҳибсага олинди.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ОРҚАЛИ ПОЛИЦИЯГА ХХР давлат умумхавфсизлик маҳкамаси раҳбариятининг маълум қилишича, энди полиция маҳкамаларига зобитлар касбий фаолиятга яроқлилик, жисмоний, сиёсий ва маънавий тайёргарлик бўйича тест синовлари орқали қабул қилинади. Бу тадбир полиция зобитлари ўртасида келгуси икки йил ичида ўтказилади. Тадбирдан кўзланган мақсад полицияда ишлашга нолийқ бўлган зобитлардан халос бўлишдир.

МУРОСА ЙЎЛ АФЗАЛ Хорижий радиоларнинг хабарларига қараганда, Афғонистондаги мавжуд барча сиёсий ва ҳарбий кучлар мамлакатда ҳужм сураётган тангликка фақат музокара-муроса йўли чек қўйиши мумкин, деган қарорга келишган. Аммо фақат толибларгина бу қарорга ҳозирча ўз муносабатларини билдиришгани йўқ.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

УДУМЛАРИМИЗ

ШАКЛИК

ЗИЁРАТ АЙЛАШ — САВОБ

Кўш қайнонанинг «талим»ни олган онажонининг ажойиб одатлари бор. Ҳаётда ўзлари гувоҳи бўлган воқеаларни кўп ёздайдилар. Ҳар эслаганлари, гапирганларида биз, фарзандлар уни ўзимизга оламиз, демак, шундай қилиш керак экан-да, деган фикр келамиз. Зеро, волидан муҳтарамамиз айтганлари амри вожиб. Эсимни танибманки, Раманон ойи бошланмасдан чамаси бир ҳафта, ўн кун илгаридан онажоним тансиқроқ бирор нарса пишириб, мени етаклаб (омиланинг кенжағойи бўлганим учун) кексаёйиб қолган қариндошларини, кўни-қўшинларини бир-бир йўқлардилар. Кимни бемор деб эшитсалар ҳамма юмушларини ташлаб, аввало, уни қўришга шошардилар. Қаярга борсак, «Шаклик қилиб кўрай дедим, буёғи мана рўза...» деб гап бошлардилар. Боламан-да, меҳмонга борганимга хурсанд бутардим.

да ҳам бордир, одамларимизнинг бир-бирига меҳр-оқибати ифодаси, дейиш ўринли бўлар) ҳақида сўраганимда, у киши бошқа бир нарсани эслатдилар: «Мана, чилла қиряпти, буням узинга яраша хислатлари бор. Чилладан олдин ҳам қариндош-уруғларни зиёрат қилиш одатлари бўларди. Айниқса, вафот этган буви, буваларимизнинг энг яқин таниши, биродари, тутинганини бориб қўриш ҳам фарз, ҳам қарз эди. Қирқ кун чилладан эсон-омон чиққач эса яна кексаларни бориб қўриларди. Унгача ким бор-у, ким йўқ, Буни қараки, чилла бу йил шаклик билан баравар келаяпти. Кексаларни, қариндош-уруғларни, айниқса, беморларни, аданларнинг яқин дўстларини зиёрат қил, болам. Шаклик баҳона қўганинг қолади, улар ҳам ганимат. Савобга қолсан. Мозорларини унутма. Зеро, унлардан доимо «тирик», уларни илҳақ қилиш керак эмас». Онажонимнинг шу сўзларини Сиз, азияларга ҳам етказгим келди... Умида ФАЙЗИЕВА.

«Лок колор ситтез» тақлиф қилади УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАР, деворлар ва шифтлар учун ФАСАД БЎЁҚЛАРИ КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА! Тўлов тури — олдиндан. Кўзги сотув 20% арзонлаштирилган. 1998 йилга шартнома тузиш 1 октябрдан бошланган. Сотиб оламиз: Сиккатив, флоторезентн, нурга чидамли яшил пигмент. Олий маълумотли химик лак-бўёқ-чилар КЕРАК! Манзиллашим: Тошкент, Фароноа йўли, 35. Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41. Факс: (371) 191-74-63.

АПАЛЬГИН АНАЛЬГИН -500 мг акампилитирувчи ВОСИТА Шаҳар дорихоналаридан сўранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони жамоаси республика молия вазирлигининг биринчи ўринбосари Татьяна Гуськовага оиди. Мана ЯНИШАВнинг вифот этганини муносабати билан таъин билдиради. Тошкент молия институтининг ректорати ва жамоат ташкилотлари сўрашга кўрсатилган кўрсатилган шўхлиқ хўжалиги ходими М. Ҳамроевга оиди. Шарина ТўРАЕВанинг бевек вифот этганини муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Хайбат» аълоли ва жамоаси вазирлигининг худудлар молия ва таъинлиги услубиёт ишлари бошқармасининг бош иқтисодчиси. Хайбат Оқсўлоев ОҚИЛОВнинг бевек вифот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аълолирига ҳамда яқин қишлоқларига таъин изҳор этади. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг ректорати, клиникаси, жамоат ташкилотлари институтининг офтальмология кафедрасининг ассистенти. Хайрулла ЖАЛИЛОВнинг фожияли вифот этганини муносабати билан марҳумнинг оиласига ҳамда яқинларига чуқур таъин билдиради.

ЎЗДЕУ BANK ЎЗДЭУ банк жамоаси ўзбек халқини кириб келаётган Янги — 1998 йил билан самимий тадбирқилайди. Баргангизнинг хонадонингизга тинчлик, бахт, фаровонлик, эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Халқ Сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хуқуқ ва қонуночилик 136-07-94; Иқтисодийёт 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Маълумот 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котабхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0823, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2 Газета IBM компьютеридеги терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди. С. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Х. Абдурахмонов. Мусакххх — Ш. Машираббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа кошерин босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти—21.00. Босишга тоширилди — 1.55 1 2 3 4 5 6